

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВ ФАЙЗУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ

**ҒЎЗАДА ГУМИНЛИ СТИМУЛЯТОРЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.08–Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural
sciences**

Абдуллаев Файзулла Абдуллаевич

Ғўзада гуминли стимуляторларни қўллаш технологияси..... 5

Абдуллаев Файзулла Абдуллаевич

Технология применения гуминовых стимуляторов на хлопчатнике..... 21

Abdullaev Fayzulla Abdullaevich

Application technology of the humin containing stimulators in
cotton..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВ ФАЙЗУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ

**ҒЎЗАДА ГУМИНЛИ СТИМУЛЯТОРЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.08–Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx102 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуалимов Шухрат Хамадуллаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Расмий оппонентлар:	Остонакулов Таштемир Эшимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Тиллабеков Ботир Хасанович, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.
Етабчи ташкилот:	Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «12» 04 2019 йил соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-34; e-mail: riim@qshv.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (□ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «28» 03 да тарқатилди.
(2019 йил «28» 03 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
профессор.

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий кенгаши, профессор.

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича ғўза экини 31,8 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 24,9 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилмоқда¹. 2017-2018 йилларда дунёда пахта толаси етиштириш ҳажми бўйича Ҳиндистон (6205,0 минг т), Хитой (5987,0 минг т), АҚШ (4555,0 минг т), Бразилия (1894,0 минг т), Покистон (1785,0 минг т), Австралия (1045,0 минг т), Туркия (871,0 минг т) ва Ўзбекистон (838,0 минг т) етакчилик қилмоқда². Ушбу мамлакатларда ғўза етиштиришда инновацион технологияларни қўллаб, юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларида иқлимнинг глобал ўзгариши шароитида физиологик фаол моддалардан қишлоқ хўжалиги экинларида кенг фойдаланилмоқда. Бунда ўсимлик фитогормонлари ниҳолларнинг соғлом униб чиқиши, жадал ўсиши ва ривожланишини таъминлашда ҳамда физиологик жараёнларни бошқаришда, ферментлар фаоллиги, аминокислоталар, нуклеин кислоталари, оксил биосинтези, озиқа моддалар тўпланиши ва тақсимоти, фотосинтез, нафас олиш ва моддалар алмашинувини яхшилаш натижасида юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга ижобий таъсир этади. Ғўзанинг ташқи муҳит таъсирларига чидамлилигини ошириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда гумин асосли стимуляторларни қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда биостимуляторлар муҳим аҳамиятга эга. Чигитларни бир текис ундириб олиш, касалликларга бардошлилигини ошириш ва ғўзанинг ўсиб ривожланишини яхшилаш натижасида, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда кенг жорий қилишга ва илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 3.3 бандида “...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилган бўлиб”³, бунда чигитларни қийғос ундириб олиш, касалликларга бардошлилигини ошириш ва ғўзанинг ўсиб ривожланишини яхшилаш, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олишда биостимуляторларни қўллаш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича илмий изланишлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сонли “Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан янада самарали

¹ <http://www.citiindia.com/wp-content/uploads/2018/02/Cotton-Data.pdf>

² <https://www.statista.com/statistics/263055/cotton-production-worldwide-by-top-countries/>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

фойдаланиш, соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22-декабрдаги “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” ги 1037-сонли қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси шароитида чигитни экиш олдида ва ғўзанинг вегетацияси даврида Т-86, Нитролин, Тж-85, Витавакс 200ФФ, Унум, Д-4-2, Ростбисол, Оберегъ, Альбит, ВЛ 77, Замин-М ва бошқа стимуляторлар билан ишлов беришнинг ғўзадаги ижобий таъсири, чигитнинг дала унувчанлиги ортиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиши, пахта ҳосили 15-20% ортиб, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари яхшиланиши, чигит мойдорлигининг ортиши А.Имамалиев, У.Мадраимов, Ш.Абдуалимов, К.Тожиев, Қ.Давроновлар томонидан ўрганилган.

Чет давлатларда Ф.Калинин, Ю.Мережинский, Ю.Ракитин, К.Овчаров, М.Чайлахян, В.Полевой, Н.Конарев, J.C. Firmino da Costa, D. Jose da Silva, Carlos J. Fernandez, A.Dantas, J.Queroz, E.Vieira, V.Almeida ва бошқалар томонидан ғўзани ўсиши ва ривожланишини ҳамда физиологик жараёнларни аниқланган. Лекин, гумин асосидаги стимуляторларнинг ғўзадаги биологик самарадорлиги бўйича илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-8-019 «Гумимакс торфогуминли адаптоген, антидот, иммуностимуляторининг физиологик фаоллигини ғўза, ғалла ва кунгабоқарда ўрганиш ҳамда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011) ва ҚХА-9-008 «Маҳаллий шароитда ишлаб чиқилган Узгуми ва Энтожеан стимуляторларини ғўзада қўллаш, ҳосил элементлари тўкилишини камайтириш ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг юқори самарадор технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014) мавзуларидаги илмий амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади типик бўз тупроқлар шароитида гумин асосидаги стимуляторларнинг чигит униб чиқишига, ниҳол касалликларига, ўсимликнинг жадал ўсишига, пахта ҳосили ва тола сифатига таъсирини аниқлаш ҳамда мақбул қўллаш муддат ва меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

типик бўз тупроқлар шароитида чигитларга гумин асосли стимуляторлар билан турли меъёрларда ишлов берилганда ниҳолларнинг униш қуввати ва унувчанлигини лаборатория ва дала шароитларида аниқлаш;

гуминли стимуляторлар чигитга экиш олдидан ҳамда ғўзанинг шоналаш ва гуллаш давларида қўлланилганда ниҳолларнинг касалликларга чидамлилиқ даражасини ҳамда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш;

гумин асосли стимуляторлар ғўзанинг қуруқ масса тўплашига, барг юзасининг ўзгаришига ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

ғўзага гуминли стимуляторлар қўлланилганда пахта ҳосилига, толанинг сифат кўрсаткичларига ва чигит мойдорлигига таъсирини ўрганиш;

гумин асосли стимуляторларни пахтачиликда қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти типик бўз тупроқлар, Гумимакс, Узгуми, Кгму стимуляторлари, Наврўз ва Андижон-37 ғўза навлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида лаборатория ва дала шароитида ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши, қуруқ массаси ва барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ғўза ҳосилдорлиги, тола сифати ва чигит мойдорлиги кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибалари, лаборатория таҳлиллари ва фенологик кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаси асосида ўтказилган. «Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» дан фойдаланилган ва Н.Н.Третьяков услуби бўйича фотосинтез соф маҳсулдорлиги аниқланган, олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услубига асосан таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида чигитга экиш олдидан ҳамда ғўзанинг шоналаш ва гуллаш давларида гумин асосли стимуляторлар билан ишлов беришнинг мақбул муддат ва меъёрлари ишлаб чиқилган;

гумин асосли Гумимакс, Узгуми, Кгму стимуляторлари чигитга мақбул муддат ва меъёрларда қўлланилганда ниҳоллар униб чиқиши тезлашган ва касалликларга бардошлилиги ортиши аниқланган;

Гумимакс стимулятори ғўзанинг шоналашда даврида 0,3 л/га, гуллаш даврида 0,3 л/га, Узгуми стимулятори шоналашда 0,3 л/га, гуллашда 0,4 л/га ва Кгму стимулятори шоналаш ва гуллаш давларида 5 кг/га қўланилганда, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши жадаллашганлиги ҳамда пахта ҳосили, толанинг сифат кўрсаткичлари ортганлиги аниқланган;

гумин асосли стимуляторларни чигитга ва ғўзанинг вегетация давларида мақбул муддат ва меъёрларда қўлланилганда, чигит мағзидаги мойдорлиги ортиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тошкент вилоятининг типик бўз

тупроқлари шароитида ғўзанинг “Наврўз” ва “Андижон-37” навларида Гумимакс стимулятори чигитга 0,8-1,0 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,3 л/га, Узгуми чигитга 0,7-0,8 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га, Кгму чигитга 3-4 кг/т ва ғўза вегетацияси даврида 5-5 кг/га қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрлари ишлаб чиқилган;

ниҳолларнинг униб чиқиши 1-2 кунга тезлашиб, дала унувчанлиги 9,2-15,2% га юқори бўлган, ғўзанинг ўсиш-ривожланиши жадаллашиб, ўсимликнинг бўйи 3,2-12,8 см, кўсақлари 1,1-2,4 донага кўпайган ва касалликларга чидамлилиги 6,1-11,1% га ортган;

пахта ҳосили 3,0-4,8 ц/га кўпайиб, толанинг сифат кўрсаткичлари яхшилانган, чигит мағзидаги мойдорлиги 1,5-4,5 % га ортиб, гектарига 226,9-412,6 минг сўм кўпроқ даромад олинган ва рентабеллик даражаси 5,7- 10,2% ортгани аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала шароитларида олиб борилган тажрибаларнинг натижалари ва фойдаланилган услублар ҳамда олинган маълумотларда назарий ва амалий натижаларнинг бир бирига мос келиши, хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, хулосаларнинг асосланганлиги, мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп қилинганлиги ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти типик бўз тупроқлар шароитида гумин асосли стимуляторларни экиш олдида чигитга ва шоналаш-гуллаш даврларида ғўзага мақбул меъёрларда қўлланилганда, физиологик жараёнлар фаоллашиб, чигитнинг унувчанлиги, нокулай табиий шароит ва касалликларга бардошлилиги ортиб, ўсиши, ривожланишининг яхшиланиши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ортиши натижасида пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш мумкинлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг Андижон-37 ва Наврўз навларида гумин асосли Гумимакс, Узгуми ва Кгму стимуляторлари мақбул муддат ва меъёрларда қўлланилганда чигит униб чиқиши тезлашган, касалликларига бардошлилиги ортган, ғўзанинг ўсиш ривожланиши яхшиланган, ҳосилдорлик 3,0-4,8 ц/га ортган, тола ва чигит сифати яхшиланиб, рентабеллик даражаси 10,2% ортганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва кенг жорий этилганлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гумин асосли стимуляторларни ғўзада қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

пахтачилик фермер хўжаликлари учун 2010 йили “Дехқон ва фермер хўжаликларида Гумимакс препаратидан фойдаланиш бўйича тавсиялар”, 2013 йили “Узгуми биоўғитидан фойдаланиш бўйича дехқон ва фермер хўжаликларида тавсия”, 2016 йил “Сурхондарё вилоятида экилаётган ғўза

навларини етиштириш агротехнологияси” бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/23-115-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар бугунги кунда Тошкент вилоятининг пахтачилик фермер хўжаликлари учун гумин асосли стимуляторлардан фойдаланиш бўйича қўлланма сифатида хизмат қилган;

Гумимакс ва Узгуми стимуляторлари ғўзада Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Юқори Чирчиқ туманларидаги фермер хўжаликларида 502 гектар майдонда, Бўка туманида 390 гектарга, жами 892 гектарга жорий этилган; (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/23-115-сонли маълумотномаси). Натижада ўсимликнинг ўсиб ривожланиши яхшиланиб, гектаридан 3-4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган, рентабеллик даражаси 10,2 % ортиши таъминлаган.

Тошкент вилоятидаги пахтачилик фермер-хўжаликларида Гумимакс, Узгуми ва Кгму стимуляторлари 892 гектар майдонга кенг жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/23-115-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, касалликларга бардошлилигининг ортиши натижасида гектаридан қўшимча 3-4 центнер пахта ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари Республика ва Халқаро илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинган. Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ махсус апробация комиссияси томонидан ҳар йили кўриқдан ўтказилган ва яхши баҳоланган, йиллик ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий мақолалар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 5 та, жумладан 1 таси чет эл журналида, 9 таси халқаро ва республика конференциялари тўпламларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 7 боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари ёритилган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гуминли стимуляторларни пахтачиликда қўллаш истиқболлари ва турли хил стимуляторларнинг қишлоқ хўжалиги экинларига таъсири”** деб номланган биринчи бобида гуминли стимуляторларни пахтачиликда қўллаш истиқболлари ва турли

стимуляторларнинг қишлоқ хўжалик экинларига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Гуминли стимуляторларни қўллашда ниҳолларнинг униб чиқиши ва ўсиши-ривожланиши, касаллик ва зараркунандаларга бардошлилигини ошириши ва физиологик жараёнларни жадаллаштириши, ҳосилдорликнинг ошиши бўйича илмий ишланмаларнинг натижалари таҳлили келтирилган, шунингдек экинларни парваришlashда, юқори ҳосил олишда иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва Республика фермер хўжаликларида жорий қилиш зарурияти бўйича хулосалар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Тажрибаларни ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Дала тажрибалари Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида ўтказилган бўлиб, типик бўз тупроқлар тоғ олди текисликларида ва тоғ этакларида шаклланган, тупроқнинг она жинси бир хилда ташкил топмаган бўлиб, ер ости сувлари 18-20 м чуқурликда жойлашган.

Тажриба даласи тупроғи агрокимёвий хусусиятларига кўра, 2009-2011 йиллари 0-30 см ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,815-0,852%, умумий шаклдаги азот 0,073-0,079%, фосфор 0,142-0,167%, ҳаракатчан шаклдаги NO_3 -1,8-3,3, P_2O_5 27,0-37,9 ва K_2O 208-308 мг/кг, 30-50 см ҳайдов ости қатламида гумус миқдори 0,741-0,752%, умумий азот 0,065-0,070%, фосфор 0,126-0,150%, ҳаракатчан шаклдаги NO_3 1,4-3,1, P_2O_5 21,8-28,6 ва K_2O 184-252 мг/кг ни ташкил этиб, азот билан жуда кам, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан кам даражада таъминлангани аниқланган.

2012-2014 йиллардаги тажриба даласи тупроғи 0-30 см қатламида гумус миқдори 0,627%, умумий шаклдаги азот 0,057%, фосфор 0,115%, NO_3 1,6, P_2O_5 20,2 ва K_2O 224 мг/кг, 30-50 см қатламда мутаносиб равишда 0,578; 0,052; 0,093; 0,8; 16,0; 212 мг/кг эканлиги ҳамда ҳаракатчан фосфор билан кам ва калий билан ўрта даражада таъминлангани аниқланган.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш кўпгина биотик ва абиотик омилларга боғлиқ бўлади. Йилнинг келишига қараб ҳосилдорлик мўл бўлиши, ёки об-ҳаво ноқулайликлари жазирама иссиқ, қурғоқчилик, каттик совуқ ва бошқалар ҳосил миқдорига ва сифатига салбий таъсир этиши мумкин.


Тажриба ўтказилган йиллардаги об-ҳаво шароитлари бир-биридан фарқ қилгани аниқланиб, 2009-2010 йиллари серёғин, иссиқ ва нисбий намлик юқори бўлган бўлса, 2012-2014 йилларда жазирама иссиқ ва кам ёғингарчилик кузатилгани ҳолда қурғоқчилик, иссиқ ҳарорат, намликнинг юқори бўлиши каби табиий ноқулай иқлим шароитларида гумин асосли стимуляторларнинг ғўзадаги биологик самарадорлигини баҳолашга имконият яратди.

Илмий тадқиқот ишларидаги лаборатория ва дала тажрибаларида таҳлиллар, фенологик кузатувлар ва ҳисоблашлар ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” қўлланмасига мувофиқ олиб борилган. Олинган маълумотларга математик статистик ишлов бериш

Б.А.Доспехов услубига мувофиқ амалга оширилган. Ғўзанинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги Н.Н.Третьяков усули бўйича аниқланган.


Диссертациянинг “Гумимакс стимуляторини ғўзада қўллаш натижалари” деб номланган учинчи бобида тажрибада ўтказилган тадқиқотлар маълумотлари келтирилган бўлиб, чигитга ва ғўзага Гумимакс стимулятори билан ишлов беришнинг назарий ва амалий асослари баён қилинган.

Олинган маълумотларга кўра, дала шароитида ниҳолларнинг униб чиқиш даражаси назорат вариантыда 71,8, Натрий гумат билан 0,8 кг/т меъёрида ишлов берилганда 78,9, Гумимакснинг 0,6 л/т меъёрида 80,3, 0,8 л/т меъёрида 82,9, 1,0 л/т меъёрида 82,8, 1,2 л/т меъёрида 80,7% ни ташкил этгани ҳолда Гумимакс билан чигитга экиш олдида турли меъёрларда ишлов берилганда назоратга нисбатан дала унвчанлиги 8,5-11,1% тезлашгани аниқланган (1-расм).



1-расм. Гумимакс стимуляторининг чигитнинг дала унвчанлигига таъсири, % ҳисобида, ўртача 2009-2011 йиллар

Шунингдек, тажриба даласидаги ғўза ниҳоллари гоммоз касаллиги билан камроқ зарарланган. Жумладан, 2011 йил табиий иқлим шароитида гоммоз касаллиги назорат вариантыда 20,1%, Натрий гуматда 18,0% кузатилган бўлса, Гумимакс стимулятори чигитга экиш олдида 0,8-1,0 л/т меъёрларда қўлланилганда 9,0-10,3% зарарлангани ҳолда назоратга нисбатан 9,8-11,1% камроқ касаллангани ҳисобланган (2-расм).



2-расм. Ғўзанинг 5-6 чин барг даврида гоммоз касаллиги билан зарарланиш даражаси, % ҳисобида, 2011 йил

Бу эса Гумимакс стимулятори таъсирида ўсимликда патоген ва зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилувчи тизим юзага келиб, касалликларга

бардошлилигини ошириб, иммунитетини кучайтирганидан дарак беради.

Гумимакс стимулятори ғўзанинг амал даври давомида унинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатгани ҳолда жадал ўсишига имкон берган. Ғўзанинг ўсув даври охирида ўтказилган кузатувда Гумимакс чигитга экиш олдида 0,8-1,0 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,3 л/га меъёрларда қўлланилганда бўйи 82,0-84,2 см, ҳосил шохлари 14,2-14,6 дона, кўсақлар сони 10,2-11,3 донани ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан бўйи 8,6-10,8 см баландроқ ўсгани, ҳосил шохлар сони 1,2-1,6 донага, кўсақлари эса 0,9-2,0 донага ортганлиги кузатилган.

Таҷрибада Гумимакс ўсимликнинг барг сатҳи юзаси ортишини ҳам таъминлаган. Масалан, ўсув даври охирида (19.08.2011) назорат вариантыда бир ўсимлик барг сатҳи юзаси 1716,1 см² бўлса, Гумимакс стимулятори чигитга ва шоналаш-гуллаш даврларида ғўзага қўлланилганида 1931,2-1932,3 см² ёки назоратдан 215,-216,2 см² ортгани аниқланган. Шунингдек, ушбу даврдаги ғўзанинг куруқ массаси назорат вариантыда 81,3 г, Гумимакс стимулятори қўлланилган вариантларда 103,7-107,1 г ни ташкил этиб, назоратдан 22,4-25,8 г юқори бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Гумимакс стимулятори турли меъёр ва муддатларда қўлланилганда, ғўза барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ва пахта ҳосилига таъсири, “Наврўз” нави, (2009-2011 йиллар).

№	Таҷриба вариантлари	Чигитга ишлов бериш, кг, л/т	Шоналаш гуллаш-да кўллаш меъёри, кг, л/га	Ғўзанинг бўйи, см (1.09.11)	Ғўзанинг барг юзаси, см ² (19.08.11)	Куруқ массаси, г/ўсим (19.08.11)	Ўртача 3 йиллик фотосинтез соф маҳсулдорлиги ҳосил тугиш даври, г/м ² кун	Ўртача 3 йиллик пахта ҳосили, ц/га
1	Назорат	-	-	73,4	1716,1	81,3	11,81	27,7
2	Натрий-гумат	0,8	-	79,4	1845,2	91,4	11,47	29,1
3	Гумимакс	-	0,3	74,3	1766,2	96,8	12,34	29,3
4	Гумимакс	-	0,3+0,3	85,1	1796,9	94,9	11,59	29,8
5	Суспензия (карбамид)	-	5+7 кг/га	86,7	1752,9	92,9	11,83	28,3
6	Суспензия +Гумимакс	-	5+0,15, 7+0,2	83,7	1886,7	95,6	12,30	29,3
7	Гумимакс	0,6	-	78,5	1893,1	98,5	12,08	29,8
8	Гумимакс	0,6	0,3+0,3	84,7	1919,7	100,8	12,43	30,4
9	Гумимакс	0,8	-	79,1	1951,6	102,4	12,68	31,2
10	Гумимакс	0,8	0,3+0,3	84,2	1932,3	107,1	12,68	32,3
11	Гумимакс	1,0	-	76,9	1890,5	105,5	12,96	31,6
12	Гумимакс	1,0	0,3+0,3	82,0	1931,2	103,7	12,98	32,4
13	Гумимакс	1,2	-	77,6	1854,1	95,4	13,14	30,7
14	Гумимакс	1,2	0,3+0,3	79,1	1910,6	97,0	12,18	30,5

2009 йил НСР₀₅=1,13 ц/га, НСР₀₅=3,47%, 2010 йил НСР₀₅=0,71 ц/га, НСР₀₅=3,33%

2011 йил НСР₀₅=0,81 ц/га, НСР₀₅=2,17%

Ғўзанинг гуллаш-ҳосил тугиш даврида фотосинтез соф маҳсулдорлиги назорат вариантыда суткасига 11,81 г/м² ни ташкил этган бўлса, Натрий гуматда 11,47, карбамидли суспензия билан ишлов берилганда 11,83, минерал ўғит суспензияси ва Гумимакс аралаштирилиб қўлланганда 12,30, Гумимакс стимулятори чигитга 0,6-1,2 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида

0,3+0,3 л/га меъёрларда қўлланилганда 12,08-13,04 г/м² ни ташкил этиб, назоратга нисбатан карбамидли суспензия ва Натрий гуматда деярли фарқ аниқланмаган. Лекин Гумимакснинг турли меъёрларида фотосинтез соф маҳсулдорлиги назоратдан 0,27-1,33 г/м² ортгани кузатилган.

Гумимакс стимулятори пахта ҳосилининг ортишига ижобий таъсир этгани ҳолда ўртача 3 йилда назорат вариантыда 27,7 ц/га ҳосил олинган бўлса, Натрий гуматда 29,1, Гумимакс фақат шоналаш даврида қўлланилганда 29,3, шоналаш ва гуллаш даврида ишлов берилганда 29,8, карбамидли суспензияда 28,3, суспензия ва Гумимакс аралаш қўлланилганда 29,3, Гумимакс чигитга 0,6-1,2 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,3 л/га меъёрларда ишлов берилганда 29,8-32,3 ц/га ҳосил олинди, назоратга нисбатан Натрий гуматда 1,4, карбамидли суспензияда 0,6, Гумимакс турли муддатларда ва меъёрларда қўлланилганда 1,6-4,6 ц/га қўшимча ҳосил этиштирилган. Таъкидлаш лозимки, Гумимакс пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этмаган ҳолда тола чиқиши 37,5-39,5%, 1000 дона чигит вазни 117,5-127,5 г, саноат нави I, узилиш кучи 4,4-4,9 гк, чизиқли зичлиги 178-189 м/текс, етуклик коэффиценти 2,0-2,1 ва нисбий узилиш кучи 24,6-25,9 гк/тексни ташкил этиб, юқори сифатли маҳсулот этиштирилган ҳамда чигит мағзидаги мойдорлиги 1,2-5,6% ортиши таъминланган.


Диссертациянинг **“Узгуми стимуляторини ғўзада қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи бобида лаборатория ва дала шароитида чигитнинг униб чиқиши ҳамда ниҳолларнинг ўсиб ривожланиши, физиологик жараёнларнинг жадаллашиши, шунингдек ҳосилдорлик, сифат кўрсаткичлари, чигит мағзидаги мойдорлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Лаборатория шароитида чигитнинг униб чиқиш қуввати оддий сув билан намланган назорат вариантда 87,5% бўлса, Узгуми билан 0,1-0,2 л/т меъёрларда ишлов берилганда 92,5, Узгумининг 0,6-0,9 л/т меъёрларида 95-100, 1,0-1,2 л/т меъёрларида 92,5-95,0% ни ташкил қилиб, Узгумининг 0,1-0,3 л/т меъёрида униб қуввати назоратдан 2,5-5,0% ортгани ҳолда 0,6-0,9 л/т меъёрларда 7,5-12,5% юқори бўлгани аниқланган. Шунингдек, чигит унувчанлиги назорат вариантыда 95,0, Узгуми билан 0,1-0,2 л/т меъёрларда ишлов берилганда 92,5, Узгумининг 0,6-0,9 л/т меъёрларида 100, 1,0-1,2 л/т меъёрларида 95,0-97,5% ни ташкил қилиб, Узгумининг 0,1-0,3 л/т меъёрида унувчанлик кўрсаткичи назоратдан 2,5% камайган бўлса, унинг 0,5-0,9 л/т меъёрларида аксинча 2,5-5,0% юқори бўлган. Узгумини қўллаш меъёри оширилиб 1,0-1,2 л/т ни ташкил этганда унувчанликнинг янада ортиши кузатилмаган. Шунга мувофиқ, Узгумининг 0,6-0,8 л/т меъёрлари юқори натижалар бергани учун дала шароитидаги тажрибаларда тадқиқотлар давом эттирилган.

Узгуми стимуляторининг дала шароитида чигитларнинг униб чиқиш даражасига таъсири ўрганилганда, назорат вариантыда 74,5, Далброн уруғдориси билан чигитга 6,5 кг/т меъёрда ишлов берилганда 78,7, Гумимакс стимулятори 0,8 л/т қўлланилганида 85,7% ни ташкил этгани ҳолда Узгуми

стимулятори 0,6-0,8 л/т меъёрларда қўлланилган вариантларда 83,7-89,7% га тенг бўлган.

Бу эса назоратга нисбатан ниҳолларнинг униб чиқишини 9,2-15,2 % тезлаштирганини билдиради. Тажрибада чигитнинг дала шароитидаги энг юқори униб чиқиш даражаси Узгуми стимулятори чигитга 0,7 л/т меъёрда қўлланилганда 87,3-89,7% бўлиб, чигитнинг дала шароитидаги унувчанлиги 12,8-15,2% тезлашгани қайд этилган (3-расм).



3-расм. Узгуми стимулятори чигитга ишлов берилганда, дала шароитидаги униб чиқиш даражаси таъсири, Андижон-37 нави, (2012-2014 йиллар)

Узгуми стимулятори чигитга экиш олдида қўлланилганда ҳамда ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларида ўсимлик устидан ишлов берилганда унинг жадал ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган. Бунда, ғўзанинг ўсув даври охирида ўсимлик бўйи назорат вариантда 96,0 см, ҳосил шохлар сони 16,3 донани, кўсақлар сони 11,2 донани ташкил этгани кузатилган. Тажрибанинг Узгуми стимулятори чигитга 0,7-0,8 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларида ўсимликнинг бўйи 99,5-108,8 см, ҳосил шохлар сони 16,7-17,4 дона, кўсақлари 12,6-13,9 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан бўйи 3,5-12,8 см, ҳосил шохлари 0,4-1,1 донага, кўсақлар сони 1,4-2,7 донага ортгани аниқланган (2-жадвал).

Узгуми чигитга 0,6 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га қўлланилган вариантда ғўзанинг бўйи 105,2-107,1 см, ҳосил шохлар сони 17,4-18,4 дона ва кўсақлар сони 12,9-13,1 дона бўлиб, назоратга нисбатан ўсимлик бўйи 9,2-11,1 см, ҳосил шохи 1,1-2,1 дона ва кўсақлар сони 1,7-1,9 донага ортгани ҳолда Узгуми чигитга 0,7-0,8 л/т ва ғўзага 0,3-0,4 л/га қўлланилган мақбул меъеридан юқорироқ натижалар олинмаган.

Тажрибада Узгуми стимулятори ғўзанинг бутун вегетация даври давомида биомасса тўпланишига ижобий таъсир кўрсатгани ҳолда ўсув даври охирида (5.09.2012) бир туп ғўзанинг қуруқ массаси назорат вариантыда 93,0 г бўлган бўлса, Узгуми стимулятори чигитга экиш олдида 0,7-0,8 л/т ҳамда шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га меъёрда қўлланилганда 108,7-117,4 г ни ташкил этган ҳамда қуруқ масса миқдорининг назоратга нисбатан 15,7-24,4 г ортгани кузатилган. Таъкидлаш лозимки, биомасса миқдорининг

ортиши асосан пахта вазнининг ортиши ҳисобига бўлган.

Тадқиқотларда Узгуми стимулятори чигитга ва шоналаш-гуллаш даврларида ғўзага қўланилганда унинг фотосинтетик фаолиятига ҳам самарали таъсир этган ҳолда мақбул барг юзаси шаклланишига ва фотосинтез маҳсулдорлигининг кўпайишига қулай шароит яратилгани аниқланган. Масалан, ғўзанинг ўсув даври охирида назорат вариантыда бир туп ўсимликнинг барг сони ўртача 37,2 дона, юзаси 2151,5 см² эканлиги аниқланган бўлса, Узгуми стимулятори билан чигитга 0,6-0,8 л/т ва шоналаш гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га меъёрларда ишлов берилган вариантларда эса барг сони 40,5-41,5 дона, юзаси 2250,9-2401,4 см² ташкил этиб, назорат вариантыдан барг сони 3,3-4,3 донага, юзаси 99,4-249,9 см² юқори бўлган. Бу эса ғўзанинг мақбул ўсиши, ривожланишига олиб келган, пировардида мўл ҳосил тўпланган ва кўсакларнинг очилиши тезлашишига имкон берган.

Тадқиқотларда ғўзанинг шоналаш-гуллаш, ҳосил туғиш-пишиш даврларидаги фотосинтез соф маҳсулдорлигига Узгуми стимуляторининг мақбул таъсири аниқланган. Узгуми билан экиш олдидан чигитга 0,6-0,8 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га меъёрларда ишлов берилган вариантларда ғўзанинг гуллаш-ҳосил туғиш ва пишиш даврларидаги фотосинтез соф маҳсулдорлиги суткасига 9,88-10,36 г/м² ни ташкил этган бўлса, назорат вариантыда бу кўрсаткич 9,33 г/м² ёки Узгуми стимулятори таъсирида фотосинтез соф маҳсулдорлиги назоратдан 0,55-1,03 г/м² юқори бўлгани аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Узгуми стимулятори турли меъёрларда қўлланилганда ғўза барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ва пахта ҳосилига таъсири, “Андижон-37” нави, (2012-2014 йиллар)

№	Тажриба вариантлари	Чигитга ишлов бериш, г, л/т	Шоналаш гуллашда қўллаш меъёри, л/га	Ўзанинг бўйи, см (1.09.12)	Ўсув даври охиридаги барг юзаси, см ² /ўсим (ўртача 3 йиллик)	Қурук массаси, г/ўсим. (5.09.12)	Фотосинтез соф маҳсулдорлиги, г/м ² кун (ўртача 3 йиллик)	Ўртача 3 йиллик пахта ҳосили, ц/га
1	Назорат	-	-	96,0	2151,5	93,0	9,33	35,7
2	Узгуми	-	0,3-0,4	99,2	2350,7	107,7	9,86	38,8
3	Далброн	6,5		99,8	2113,7	95,9	10,25	37,0
4	Гумимакс	0,8	0,3-0,3	100,6	2386,2	106,0	9,96	39,5
5	Узгуми	0,6		107,1	2250,9	105,4	9,88	38,1
6	Узгуми	0,6	0,3-0,4	110,3	2348,2	105,4	9,85	39,0
7	Узгуми	0,7	-	112,0	2330,4	112,5	10,18	38,7
8	Узгуми	0,7	0,3-0,4	108,8	2401,4	117,4	10,36	40,5
9	Узгуми	0,8	-	100,3	2375,8	113,2	10,20	39,3
10	Узгуми	0,8	0,3-0,4	99,5	2370,2	108,7	10,30	40,0
11	Узгуми-карбамид	-	0,3+5 кг; 0,4+7 кг	105,2	2298,9	105,8	10,36	38,8
12	Узгуми-инсектицид	-	0,3+0,3; 0,4	100,6	2257,6	104,2	10,55	38,0

2012 йил НСР₀₅=1,62 ц/га, НСР₀₅=5,41%, 2013 йил НСР₀₅=1,39 ц/га, НСР₀₅=3,36%,
2014 йил НСР₀₅=1,10 ц/га, НСР₀₅=2,46%

Ўтказилган тадқиқотларда Узгуми стимуляторининг ғўзадаги биологик самарадорлиги пахта ҳосилига кўрсатган таъсири билан аниқланган.

Тажрибада ўртача 3 йилда назорат вариантыда 35,7 ц/га ҳосил олинган бўлса, Узгуми стимулятори чигитга 0,6-0,8 л/т ва шоналаш-гуллаш даврларида 0,3-0,4 л/га меъёрларда қўлланилганда 38,1-40,5 ц/га ҳосил етиштирилиб, назоратга нисбатан қўшимча 2,4-4,8 ц/га пахта ҳосили олинган ёки ҳосилдорлик кўрсаткичи 6,7-13,4% юқори бўлган.

Тадқиқотнинг яна бир ижобий натижаларидан бири Узгуми стимулятори 0,3-0,4 л/га меъёрларда карбамид (5-7 кг/га) ўғитига аралаштирилиб, суспензия қилиб қўлланилганда ҳамда инсектицид (каратэ 0,3 л/га) билан аралаштирилган ҳолда ғўзага сепилганда 38,0-38,8 ц/га пахта ҳосили олингани ва назоратдан 2,3-3,1 ц/га юқори бўлган. Бу эса Узгуми стимуляторини турли агрохимёвий препаратлар (пестицидлар, инсектицидлар ва б.) билан аралаштириб қўллаш мумкинлигини исботлаган.

Тадқиқот йилларида пахта хомашёсининг технологик сифат кўрсаткичлари таҳлил қилиб борилганда куйидагилар аниқланган. 2013 йил пахта хомашёси сифат кўрсаткичлари ўрганилганда, Узгуми стимулятори қўлланилган вариантларда тола чиқими 0,8-2,5%, узилиш кучи 0,1-0,2 гк, нисбий узилиш кучи 0,1-0,7 гк/текс яхшилангани ҳолда 1000 дона чигит вазни 3,5-5,0 г оғирроқ эканлиги қайд этилган. Шунинг билан бирга, чигит мағзидаги мойдорлиги ўртача 2 йилда тажриба вариантларида 25,5-29,8% ни ташкил этган ҳолда Узгумининг турли меъёрларида бу кўрсаткич назоратга нисбатан 0,8-3,9% юқори бўлгани аниқланган (4-расм).



4-расм. Узгуми стимуляторининг чигит мойдорлигига таъсири. Андижон-37 нави, (2012-2013 йиллар)

Диссертациянинг “Кгму стимуляторининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири” деб номланган бешинчи бобида Кгму стимуляторининг ғўзадаги биологик самарадорлиги ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, физиологик жараёнларга таъсири, ҳосилдорлик ва маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари асосида ўрганилган. Бунда, Кгму стимулятори чигитга 3-4 кг/т қўлланилганида униб чиқиши 88,0-89,2 % ни ташкил этган ҳолда назоратдан, яъни чигит сувда намлаб экилган вариант кўрсаткичидан (75,9%) 12,1-13,3% юқори натижалар олинган.

Шунингдек, Кгму стимулятори ўсимликнинг ўсиш-ривожланишига

ижобий таъсир кўрсатиб, чигитга 3-4 кг/т ва ғўзанинг шоналаш-гуллаш даврларида 5-5 кг/га меъёрларда ишлов берилганда ўсув даври охирида бўйи 83,4-87,3 см, ҳосил шохлар сони 14,6-14,7 дона, кўсаклар сони 9,7-10,4 донага тенг бўлса, назорат вариантыда эса ғўзани бўйи 81,4 см, ҳосил шохи 14,0 дона, кўсаклар сони 8,6 донани ташкил этган. Яъни, Кгму стимулятори қўлланилган вариантларда назоратга нисбатан ўсимлик бўйи 2,0-5,9 см, ҳосил шохлари 0,6-0,7 дона, кўсаклар сони 1,1-1,8 донага кўплиги кузатилган (3-жадвал).

